



20 20 у « 29 » май

№ Қ-233

« » 20 г

Бандихон тумани Бойсун массиви “Обикор” маҳалласи ҳудудидан “Бахриддин-Нур” фермер хўжалигига “Тош майдалаш заводи” қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 03-02/192-сон йиғилиш баёни, Бандихон туман ҳокимининг 2020 йил 20 мартдаги 01-02/62-сон хатини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 03-02/192-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани Бойсун массиви “Обикор” маҳалласи ҳудудидан “Бахриддин-Нур” фермер хўжалигига туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 585-дала контуридаги жами 1,0 гектар яйлов ер майдони “Тош майдалаш заводи” қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Бахриддин-Нур” фермер хўжалиги томонидан “Тош майдалаш заводи” қурилиши учун ажратилаётган жами 1,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 13 356 060 (ўн уч миллион уч юз эллик олти минг олти миш) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилиши таъминласин.

4. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон туман ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонкулов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов